

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Пулатовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси Х.Боймирзаев, судланувчи М.Жўраевнинг иштирокида, Жўраев Маруфхўжа Номоновичга нисбатан 1-1610-2501/27-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Жўраев Маруфхўжа Номонович, 1973 йил 4 январда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, деҳқончилик билан шуғулланади, мукаддам судланмаган, Чортоқ тумани, “Хазратишоҳ” МФЙ, Ипак йўли кўчаси, 63-уйда яшаган, жиноят иши бўйича 2024 йил 23 октябрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 24 октябрда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 16 январда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган;

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, куйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Жўраев, шахсини аниқлашни имкони бўлмаган Қирғизистон Республикасида яшовчи шахслар билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2024 йил 16 октябрь куни соат 20:00 ларда “Ўзбек-Қирғиз” давлат чегаралари ҳудудидан ноқонуний равишда номаълум шахслар томонидан олиб ўтилган 6 дона чамадонларга жойлаштирилган 59 турдаги сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган дори воситаларини бошқарувидаги ва ўзига тегишли бўлган “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 ДА давлат рақам белгили автомашинага юклаётган вақтида чегара ҳудудида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар томонидан ушланган.

“Expert baholash” МЧЖнинг 22.10.2024 йил кунги баҳолаш маълумотномасига кўра, юқоридаги дори воситаларининг бозор қиймати 255.320.360 сўмни ташкил этишлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 04.12.2024 йил кунги №41/18-15956-сонли ҳулосасида 10 турдаги биологик фаол кўшимча (БАД) маҳсулотлари ҳисобланиб, дори воситаси сифатида давлат реестрига киритилмаганлиги, юқорида номлари кўрсатиб ўтилган 57 турдаги дори



воситалари номланиши бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психатроп моддалар ва перекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 12.11.2015 йилдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 27.10.2018 йилдаги 878-сонли қарорида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситалари, психатроп моддалар ва перекурсорлар рўйхатига” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида “Кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 27.09.2019 йилдаги 818-сонли қарорида тасдиқланган “кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилмаганлиги, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуности ҳужжатларга риоя қилинмаганлиги, ва рухсатнома (лицензия)сиз яъни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу дори воситасини сотиш, дори воситаси мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилмаганлиги, сақлаш шароитига амал қилинмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу дори воситасини сотиш, ташиш ва тиббиёт амалиётида қўллаш тақиқланиши кўрсатилган.

Судланувчи М.Жўраев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, Қирғизистон Республикасида яшовчи “Сағин” исмли қирғиз фуқаросини ёшлигидан бери таниши, 2024 йил 3 октябрь куни Қирғизистон Республикасига бориб, таниши “Сағин” билан учрашгани, 2 кун унинг яшаш хонадонида меҳмон бўлиб қайтиб келгани, 2024 йил 14 октябрь куни “Сағин” унга кўнғироқ қилиб озгина юки борлигини, ушбу юкларни “Ўзбекистон ва Қирғизистон” Республикалари давлат чегарасидан ўтказиб беришни, 6 дона чамадонларда кийим-кечаклар борлигини ушбу чамадонларни ҳар бири учун 100 АҚШ долларида жами 600 АҚШ доллари миқдорида пул беришини, чамадонларни уйига олиб бориб қўйса, юк эгалари ундан олиб кетишларини айтгани, уни таклифига рози бўлиб, 2024 йил 16 октябрь куни ўзига тегишли бўлган “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 DA давлат рақам белгили автомашинани бошқариб, Чортоқ тумани Туриқ МФЙ, Шалола кўчасида жойлашган боғига боргани, шунда таниши “Сағин” кўнғироқ қилгани ва Ўзбекистон чегарасига 6 дона чамадонларни олиб келганини айтгани, шу сабабли у боғига яқин бўлган чегара сими ёнида кутиб тургани, “Сағин” шериклари билан бирга Қирғизистон Республикасидаги сим тўсиқлардан 6 дона чамадонларни олиб ўтиб, Ўзбекистон Республикасига тортилган сим тўсиғи олдида келгани ва 6 дона чамадонларни бирма-бир сим тўсиғи устидан ирғитиб бергани, у чамадонларни қабул қилиб олиб, “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 DA давлат рақам белгили автомашинасига бирма-бир ташиб юклаётган вақтида, чегарада хизмат олиб бораётган ҳарбийлар у томонга қараб бақариб югургани, ушбу ердан “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 DA давлат рақами белгили автомашинасини ва 6 дона чамадонларни ташлаб қочгани, яшаш хонадонига пиёда етиб борганда, туман профилактика инспекторлари келиб, хизмат



хонасига олиб боргани, ҳаракатини жиноят эканини билмагани, оилавий шароитини оғирлигини, ҳозирда содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи М.Жўраев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уни жиноят содир этганликдаги айби, қуйидаги далиллар билан ўз исботини топган. Жумладан;

гувоҳ М.Номоновнинг суд мажлисидаги, судланувчи М.Жўраев отаси бўлиши, у бир ҳафтада бир марта яшаш уйига келиб кетиши, 2024 йил 16 октябрь куни соат 13:30 ларда ўртоғини уйда тўйда юрган вақтида отаси М.Жўраев кўнғироқ қилиб чақиргани, отаси Чортоқ тумани, Тўриқ МФЙ, Шалола кўчасида жойлашган боғига бориб ўтинларни майдалашни, боғдаги ишларни қилиш кераклигини айтгани, ўзи “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 DA давлат рақам белгилли автомашинасини бошқариб кетгани, шу куни соат 17:30 ларда Чортоқ тумани, Тўриқ МФЙ, Шалола кўчасида жойлашган боғига пиёда юриб борган вақтида, боғига кириш жойида отасини “Москвич-Пекап” русумли 50 Н 276 DA давлат рақам белгилли автомашинаси турганини кўргани, автомашина олдига қараб юра бошлаганида бирдан боғига яқин бўлган чегара худудида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчини баланд овозда бақирганини эшитгани, отаси М.Жўраев қочганини кўриб, атроф қоронғу бўлганлиги сабабли кўрқиб у ҳам қочиб кетгани, отаси М.Жўраевни кўрмагани, Чортоқ туманидан Наманган шаҳрига кетиб юборгани, эртаси куни ИИБ ходимлари чақирганини, ходимларга бўлган ҳолатларни айтиб бергани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ С.Абдурахимжўжаевни суд мажлисидаги, М.Нўмонов синфдоши экани, синфдоши М.Нўмонов Наманган шаҳридаги “Ёжу” Тошкент Кимё Технология университетининг 4-босқичда таҳсил олиши, 2024 йил 16 октябрь куни синфдоши Абдувахобхўжанинг никоҳ тўйи бўлаётгани сабабли, унинг яшаш хонадонига боришгани, синфдоши Абдувахобхўжанинг никоҳ тўйи куни Маъруфхўжани тўйхонада кўрмагани, тўйхонага соат тахминан 13:00 ларда боргани, ўртоқлари Маъруфхўжани тўйхонада соат 12:00 га қадар юрганини айтишгани, 2024 йил 16 октябрь куни соат 22:00 ларга қадар синфдоши Абдувахобни никоҳ тўйида бўлгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ М.Анваровнинг суд мажлисидаги, ҳақиқатдан ҳам 9201-ҳарбий қисмда 2018 йилдан бери шартнома асосида чегара кўриқлаш взводида хизмат олиб бориши, 2024 йилнинг 16 октябрь куни ЧҚВ командирининг йўриқномаси ва кўриқлаш режасига асосан соат 14:00 ларда кузатув камерасида хизматни бошлагани, хизмат олиб бораётган вақтида соат 18:06 ларда Чортоқ тумани, Тўриқ МФЙ, Шалола кўчасида жойлашган “Ўзбекистон-Қирғизистон” Республикалари чегара худудига тортилган сим тўсиғидан сигнал хабари келиб тушгани, кузатув камера автоматик равишда сигнал келиб тушган жойга бурилиб, кузатувни давом эттиргани, кузатув камерасидан вазиятга аниқлик киритилганда номаълум шахслар 38-соҳадан ҳаракати кузатилгани ва бу тўғрисида ЧҚВ командирига алоқа воситаси орқали хабар бергани, чегара кўриқлаш взводи қуролланган командаси бўйича кўтарилиб, хатар гуруҳи



автомашинада взвод командири бошчилигида сигнал келиб тушган жойга боришгани, ҳарбий хизматчилар ва ходимлар сигнал келиб тушган жойдан 6 дона чамадонларга жойлаштирилган дори-воситалари борлиги аниқлагани, ушбу дори воситаларини ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтган М.Жўраев экани ва унинг “Москвич-Пекап” русумли автомашинасига юклагани ҳолати бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Ў.Джўраевнинг суд мажлисидаги, 2024 йилнинг 16 октябрь куни соат 18:06 ларда кузатув камерасида хизмат олиб бораётган М.Анваров томонидан берилган хабарга асосан Чортоқ тумани, Тўриқ МФЙ, Шалола кўчасида жойлашган “Ўзбекистон-Қирғизистон” Республикалари чегара ҳудудидаги 38-соҳадан сигнал келиб тушгани бўйича телефон орқали маълумот бергани ва камера кузатувида асосан Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига номаълум шахсларни ҳаракатланаётганини айтгани, чегара кўриқлаш взводига қуролланган командаси бергани ҳамда хатар гуруҳи билан сигнал келиб тушган жойга ҳаракатлангани, сигнал келиб тушган жойдан 6 дона чамадонларга жойлаштирилган дори-воситалари борлиги аниқлангани, ушбу дори воситаларини ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтган М.Жўраев экани ва унинг “Москвич-Пекап” русумли автомашинасига юклагани ҳолати бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, билдирги (ж.и 4 и.в), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унинг фото иловаси (ж.и 5-24 и.в), нарсани кўздан кечириш баённомаси (ж.и 61 и.в), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унинг фото иловаси (ж.и 164-170 и.в) судланувчи М.Жўраев ва гувоҳ М.Номановларни юзлаштириш баённомаси (ж.и 181-182 и.в), Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказининг хулосаси (ж.и 195-198 и.в), олинган ашёвий далиллар ҳамда ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Жўраевни бир гуруҳ бўлиб, жуда кўп миқдордаги ҳеч қандай сифат сертификатига эга бўлмаган дори воситаларини қонунга хилоф равишда ташиганликда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилинган бўлса-да, туман судининг 2025 йил 11 февралдаги қайта баҳолаш ҳақидаги ажримига кўра ўтказилган “Тараққиёт ва таҳлил” баҳолаш ташкилотининг 2025 йил 26 февралдаги 006МХ-2025 сонли қайта баҳолаш ҳисоботида кўра, 59 турдаги дори воситаларининг ҳозирги вақтдаги баҳоси 174.143.786 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, ашёвий далил сифатида олинган 59 турдаги дори воситаларининг баҳоси жуда кўп миқдорни ташкил қилмаганлиги сабабли судланувчи М.Жўраевни ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 3-қисми “а” бандидан ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил



3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин.” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.” деб, 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.” деб, 26-бандида, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деб, 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи М.Жўраевни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили



эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, М.Жўраевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни шахсини ижобийлигини, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб у айбланаётган ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 50-моддаси “б” бандига асосан жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттиришни лозим деб топди.

Шунингдек, жиноят иши бўйича ашъвий далил сифатида эътироф этилиб, “Наманган Дори-Дармон” АЖда сақланаётган 59 турдаги 174.143.786 сўмлик дори воситаларини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни;

-жиноят қуроли деб топилиб, Чортоқ туман ИИБ ЙХХГ жарима майдонида сақланаётган “Москвич-Пекап” русумли 50Н276ДА давлат рақам белгили 5.700.000 сўмлик транспорт воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат фойдасига мусодара қилишни;

-жиноят ишига қўшилган бир дона ДВД дискни иш ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Жўраев Маруфхўжа Номонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Жўраев Маруфхўжа Номоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>3</sup>-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жўраев Маруфхўжа Номоновичга тайинланган жазо муддати 2024 йил 23 октябрдан бошлаб ҳисобланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.



Жўраев Маруфхўжа Номоновичга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, “Наманган Дори-Дармон” АЖда сақланаётган 59 турдаги 174.143.786 сўмлик дори воситалари ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Жиноят иши бўйича жиноят қуроли деб топилиб, Чортоқ туман ИИБ ЙХХГ жарима майдонида сақланаётган “Москвич-Пекап” русумли 50Н276DA давлат рақам белгилли 5.700.000 сўмлик транспорт воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона ДВД диск иш ҳужжатларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Жаббаров

